IFODA®
agro kimyo himoya

Вырастим вместе!
Birgalikda yetishtiramiz!
*We grow together!*

# Препаратлар Қўлланмаси



O'ZBEKISTON - YAPONIYA
QO'SHMA KORXONASI

www.ifoda.uz

IFODA®
agro kimyo himoya

*“**IFODA**” компанияси Республикамизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасига илғор ва инновацион технологияларни жорий қилишда ўз ҳиссасини қўшиб келаётган етакчи компаниялардан бири ҳисобланади. Компаниямиз бир неча йиллардан буён экинларни турли зарар-кунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишда деҳқон ва фермер хўжаликларига амалий жиҳатдан кўмаклашиб келмоқда.*
*Жумладан, компаниямиз **2017** йилдан бошлаб ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини Республикамиз ҳудудида ишлаб чиқаришни йўлга қўйди ва **2018** йилда яна бир янги лойиҳа – Қишлоқ хўжалиги учун мураккаб ўғитларни ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди.*

*Ҳозирда компаниямизда **50** дан ортиқ турдаги ўғитларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу ўғитларнинг ўзига хослиги шундаки, таркибида ўсимлик учун зарур бўлган барча моддалар ва микроэлементлар мавжуд бўлган, ўсимлик ўзлаштириши учун энг қулай бўлган хелатланган шакллардаги янги авлод ўғитларидир.*

*Бизнинг маҳсулотларимизни қўллаб, юқори ҳосилдорликка эришсангиз – биз ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришган бўламиз. Зеро, бизнинг шиоримиз – **Биргаликда етиштирамиз!***



# МУНДАРИЖА

**Гербицид:**


Энтостар....4
Энтостар Плюс....5
Энторане Экстра....6
Энтопик....7
Энто Супер....8
Пинокс....9
Энтогарт....10
Энтостоп....11
Энтоглифос....12
Стапл....13
Зелдек Экстра....14
Клетон....15
Энтус....16
Гербис Про....17
Корнет Экстра....18
Оксигол....19
Фастер....20
Фастер Альфа....21
Бентогран....22
Ландаск....23
Сурис....24
Йокозуна....25


**Инсектицид / Акарицид:**


Далате....26
Далате Плюс....27
Эквадор....28
Римида....29
Энтоспилан....30
Агрофос-Д....31
Агрофос Экстра....32
Мерган....33
Энтомин....34
Демофос....35
Энтометрин....36
Делтасис....37
Энтомектин....38
Энтомектин Экстра....39
Энтосоран....40
Спиромектин....41
Акараголд....42
Энтомайт....43
Энтовант....44
Промайт....45
Эзотокс....46
Индоксамектин....47
Эвисект....48
Протект....49
Протект Про....50
Энтовант Про....51
Энтолучо....52
Энтовет....53
Эзофокс....54
Таксам....55
Милитар....56
Ин-То....57
Энтовидор....58
Флур....59
Лоадер....60
Профентрин....61
Дуэт Экстра....62
Ифо Сера....63


**Фунгицид:**


Ифо бордо....64
Энтохлорок....65
Энтохлорок Плюс....66
Энтохлорок Экстра....67
Энотликур....68
Топ Кроп....69
Прозолин....70
Энтопаз Экстра....71
Флусил....72
Капитокс....73
Ифододин....74
Рамзес....75
Лековит....76
Мерсин....77
Гемаксил....78

Фосетал.....79
Ентревицур.....80
Флутрифул.....81
Арамис.....82
Аксесс.....83
Аддресс.....84
Крезоксин.....85
Ентобронат.....86
Ифо Тебу.....87

**Стимулятор**

Ентовакс.....88
Ентопикс.....89
Энтожин.....90
Хосилин.....91
Экс-Чейндж.....92
Сиклодефол.....93
Енто-Дефол.....94
Сильвер.....95
Оксидат.....96
Болл.....97



# ENTOSTAR




## *Гербицид*

***(Трибенурон-метил 75%)***

***Бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши қўлланиладиган гербицид!***

## Таъсир этиш хусусияти:

*Кузги ҳамда баҳорги ғалла майдонларидаги бир йиллик кенг баргли бегона ўтларга қарши курашда қўлланилади. Препарат жағ-жағ, шўра, сассиқпоя, қуртена, салатўт, мойчечак, лолақизғалдоқ, аччиқўт, тиласпи, аччиқмия, қизилтасма, бангидевона, исмалоқ ва бошқа бегона ўтларни йўқотишда юқори самарали гербицид.*

## Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

| Экин тури | Бегона ўтлар | Сарф меъёри (г/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Экиннинг ўсиш даври | Бегона ўтнинг ўсиш даври |
| Кузги буғдой | Бир йиллик икки паллали бегона ўтлар | 10-20 | Найчалаш давригача, 2-3 тагача барг | Униб чиққандан сўнг. Бегона ўтлар ривожланишининг бошланғич даврида қўлланилса, яхши самара беради |

# ENTOSTAR Plyus

## *Гербицид*

***(Трибенурон-метил 37,5 % + Тифенсуронметил 37,5 %)***

***Галладага бир йиллик ва кўп йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши қўлланиладиган самарали гербицид!***




## Таъсир этиш хусусияти:

*Кузги ҳамда баҳорги ғалла майдонларидаги бир йиллик ва кўп йиллик кенг баргли бегона ўтларга қарши курашадиган юқори самарали гербицид. Препарат қўйпечак, отқулоқ, жағ-жағ, шўра, сассиқпоя, куртена, салатўт, мойчечак, лолақизғалдоқ, аччиқўт, тиласпи, аччиқмия, қизилтасма, бангидевона, исмалоқ каби бегона ўтларга қарши курашда юқори самарали.*

## Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

| Экин тури | Бегона ўтлар | Сарф меъёри (г/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Экиннинг ўсиш даври | Бегона ўтнинг ўсиш даври |
| Кузги буғдой | Бир йиллик ва кўп йиллик икки паллали бегона ўтлар | 30 | 2-3 тагача баргдант найчалаш давригача | Униб чиққандан сўнг. Бегона ўтлар ривожланишининг бошланғич даврида қўлланилса, яхши самара беради |

# ENTORANE Ekstra

## *Гербицид*

***(Флуроксипир 40%)***

***Бир йиллик ва кўп йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши курашда қўлланиладиган самарали гербицид!***




## Таъсир этиш хусусияти:

*Ғалла ва маккажўхори экинлари экилган майдонларидаги бир йиллик ва кўп йиллик кенг баргли ўтларга юқори даражада самара берувчи гербициддир. Препарат қўйпечак, жағ-жағ, латтатикон, сассиқпоя, қуртена, салатўт, чумчуқтил, мойчечак, ёввойи турп, аччиқўт, юлдузўт турлари, тиласпи, олабўта, аччиқмия, қизилтасма, бангидевона, исмалоқ, откулоқ, пушти какра каби бегона ўтларга қарши юқори самара беради.*

## Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

| Экин тури | Бегона ўтлар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Экиннинг ўсиш даври | Бегона ўтнинг ўсиш даври |
| Буғдой | Бир йиллик ва кўп йиллик икки паллали бегона ўтлар | 0,5-0,6 | Найчалаш давригача, 2-3 тагача барг чиқарганда | Униб чиққандан сўнг. Бегона ўтлар ривожланишининг бошланғич даврида қўлланилса, яхши самара беради |

# ENTOPIK

## *Гербицид*

***(Кладинафоп пропаргил + антидот клоквинтоцет мексил 8%)***

***Галла майдонларидаги бир йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши қўлланиладиган гербицид!***




## Таъсир этиш хусусияти:

*Буғдой экилган майдонларда униб чиққан бир йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши самарали гербицид. Ёввойи сули (оқ бош), тулки қуйруқ, итқуноқ турлари, курмак сингари бир йиллик бошоқли бегона ўтларни йўқотишда самаралидир.*

## Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

| Экин тури | Бегона ўтлар | Сарф-меъёр (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Экиннинг ўсув даври | Бегона ўтларнинг ўсув даври |
| Кузги буғдой | Бир йиллик бошоқли бегона ўтлар (ёввойи сули) | 0,3-0,5 | Экиннинг туплаш даврида | Униб чиққан бегона ўтларнинг илк ривожланиши даврида қўлланилса яхши самара беради |

# ENTO SUPER

## *Гербицид*

***(Феноксапроп-п-этил + антидот 7,5%)***

***Ғўза майдонларидаги кенг баргли бегона ўтларга қарши гербицид!***




### Таъсир этиш хусусияти:

*Ушбу препарат ғалла майдонларидаги бир йиллик бошоқли ўтларни назорат қилиш учун селектив ва тизимли гербицид. Буғдой экинларига ножўя салбий таъсири йўқ. Барг орқали қўлланилганда бир неча соат ичида бегона ўт танасига сўрилади ва ўсув нуқталарида тўпланади. Бегона ўтларнинг тўлиқ қуриб нобуд бўлиш даври 1-3 ҳафта давомида кузатилади.*

### Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

| Экин тури | Бегона ўт тури | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Экиннинг ўсув даври | Бегона ўтнинг ўсув даври |
| Буғдой | Бир йиллик бошоқли бегона ўтлар (ёввойи сули) | 0,8-1,0 | Экиннинг туплаш даврида | Бегона ўтлар ривожланишининг бошлангич даврида қўлланилса, кутилган натижани беради. |

# PINOKS

## *Гербицид*

***(Пиноксаден 2.5% +***
***Клодинофоп пропаргил 2.5% +***
***Клоквинтосет мексил 0.8%)***

***Ғалла майдонларидаги бир йиллик бошоқли бегона ўтлар, айниқса, ёввойи сули, тулкидум, райграс бегона ўтларга қарши селектив гербицид.***




## Таъсир этиш хусусияти:

*Пинокс буғдойдаги бир йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши ичдан таъсир этувчи гербицид бўлиб, бегона ўтларнинг барглари орқали сингиб, ўсув нуқтаси томон ҳаракатланади. Ўсув нуқтасидаги ҳужайралар бўлинишини тўхтатиб, бир неча соат ичида ўсимликни ўсишдан тўхтатади. Препаратнинг таъсир кучи ишловдан 3-5 кундан сўнг кўзга ташланади, бегона ўтларнинг тўлиқ нобуд бўлиши 10-12 кунда содир бўлади.*

## Сарф-меъёри ва қўллаш тартиби

| Экин тури | Бегона ўтлар | Сарф меъёр (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Экиннинг ўсув даври | Бегона ўтларнинг ўсув даври |
| Кузги буғдой | Бир йиллик бошоқли бегона ўтлар (ёввойи сули, райграсс) | 1,0-1,2 | Экиннинг туплаш даври | Униб чиққандан сўнг, бегона ўтларнинг илк ривожланиши даврида қўлланилса яхши самара беради |

# ENTOGART




## *Гербицид*

***(Прометрин 50 %)***

***Бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларга қарши қўлланиладиган гербицид!***

### Таъсир этиш хусусияти:

*Бир йиллик икки паллали, ғўза, картошка, маккажўхори ва сабзида қўлланилганда юқори самара берадиган гербициддир. Бир йиллик икки паллали униб чиқмасидан олдин ва уруғ экиш билан бир вақтда қўлланилади. Фақатгина уна бошлаган уруғ ёки майсани эмас, балки 2-3 дона барг чиқарган, препарат таъсирига мойил бўлган бир йиллик икки паллали ва майсаларини ҳам нобуд қилади.*

### Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

| Экин тури | Бегона ўтлар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари |
|---|---|---|---|
| Ғўза (плёнка остига экилганда) | Бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтлар | 1,0-1,5 | Экинларнинг **униб чиққунгача** тасмасимон усулда тупроққа пуркалади |

# ENTOSTOP




## *Гербицид*

***Пендиметалин 33%***

***Бир йиллик бошоқли ва кенг баргли бегона ўтларга қарши униб чиқмасдан олдин қўлланиладиган юқори самарали гербицид!***

## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши ғўза,пиез, картошка, маккажўхори ва сабзида қўлланилганда юқори самара берадиган ажойиб гербициддир. Фақатгина уна бошлаган уруғ ёки майсани эмас, балки 1-2 дона барг чиқарган, препарат таъсирига мойил бўлган бир йиллик икки паллали ўтларнинг майсаларини ҳам нобуд қилади.*

## Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

| Экин тури | Бегона ўтлар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | Мавсумда неча маротаба қўлланиши |
|---|---|---|---|---|
| Пиёзнинг барча авлодлари | | 2,3-4,5 | Ниҳолларнинг кўкариб чиқишигача тупроққа пуркалади | 1 |
| Ғўза, маккажўхори, сабзи, картошка | Бир йиллик икки паллали | 1,0-2,0 | Экинларнинг кўкаришигача тасмасимон усулда тупроққа пуркалади | 1 |
| Ғўза (плёнка остига экилганда) | | 1 | Экиш билан бирга тасмасимон усулда тупроққа пуркалади | 1 |

# ENTOGLIFOS

## *Гербицид*

***(глифосатнинг калийли тузи 50%)***

***Бегона ўтларни йўқотишда қўлланиладиган гербицид!***




**Таъсир этиш ҳусусияти:**

*Ушбу препарат экинларни экиш режалаштирилган майдонларда бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли ҳамда икки паллали бегона ўтларга қарши курашда уларнинг фаол ўсув даврида қўлланиладиган гербицид. Боғлар ва узумзорлар, ноқишлоқ хўжалик ерларини бегона ўтлардан тозалаш учун ҳам юқори самара беради.*

**Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:**

*Бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли ҳамда икки паллали бегона ўтларга қарши бегона ўтларнинг фаол ўсув даврида гектарига 4,0-5,0 литр ҳисобида мавсумда икки-уч маротаба қўлланилади.*

# STAPL



## *Гербицид*

***(Пиритиобак-натрий 85%)***

***Ғўза майдонларидаги кенг баргли бегона ўтларга қарши гербицид!***

### Таъсир этиш хусусияти:

*Ушбу гербицид пахта майдонларидаги қўй тикан, дағал каноп,ва бошқа кенг баргли бегона ўтларга қарши самарали таъсир этувчи восита ҳисобланади. Ушбу препарат ғўза ниҳоли 5-8 чинбарг, бегона ўт 2-3 чинбарг чиқарганда қўлланилса самараси юқори бўлади. Препарат қўлланилганда ўсимликда аминокислота ишлаб чиқаришга тўсқинлик қилади, бегона ўтлар илк таъсири 5-10 кунда кўринади. Батамом нобуд бўлиши эса 20-25 кунни ташкил қилади. Гербицидни ғўза ниҳоли кучли чанқоқ ва стресс ҳолатида қўллаш тавсия этилмайди.*

### Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

| Экин тури | Бегона ўт тури | Сарф меъёри (г/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | Мавсумда неча маротаба қўлланилиш |
|---|---|---|---|---|
| Ғўза | Бир ва кўп йиллик икки паллали бегона ўтлар | 70-90+ Агрисол 500 мл | Ғўза 5-8 чин барг чиқарган даврида сирти фаол модда билан қўшиб қўлланади | 1 |

# ZELDEK Ekstra

## Гербицид

**(галоксифоп-Р-метил, 10,4 г/л)**

*Ажриқ ва ғумайга қарши қўлланиладиган гербицид!*




### Таъсир этиш хусусияти:

*Ғўза, пиёз, сабзи, помидор, картошка, нўхат, ерёнғоқ, лавлаги ва бошқа кенг баргли экинларда, мевали боғ, узум бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши қўлланилади. Бегона ўтлардан қорасули, тулки қуйруқ, қоракурмак, итқўноқ, бешбармоқ, мастак турлари, уруғдан униб чиққан ғумай, тўкилган уруғдан унган буғдой ва маккажўхори майсаларига қарши ғўза гуллагунга қадар далаларга ёппасига пуркалади, айниқса, ажриқ ва ғумайни юқори даражада назорат қилади.*

### Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

*Бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши гектарига 1,0 - 1,5 литр ҳисобида бегона ўтларнинг бўйи 10-15 см бўлганда пуркалади.*

# KLETON

## *Гербицид*

***(Клетодим 24%)***

***Бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши самарали гербицид!***




### Таъсир этиш хусусияти:

*Ушбу препарат пиёз экинларидаги бир йиллик кенг баргли ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши қўлланилади. Ноёб фаол моддаси туфайли, уни алмашлаб экишда ишлатишда ҳеч қандай чекловлар йўқ. Яримпарчаланиш даври 1-3 кунни ташкил қилади, бу клетодимнинг ер ости сувларига киришини олдини олади. Қўлланилгандан кейин бир соат ўтиб, ёмғирда ювили кетмайди. Бошқа гербицидлар билан яхши бирикади.*

### Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби

| Экин тури | Бегона ўт тури | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | Мавсумда неча маротаба қўлланилиш |
|---|---|---|---|---|
| Пиёз | Кўп йиллик бошоқли бегона ўтлар | 0,8-1,0 | Бегона ўтлар униб чиқиб 10-15 см бўлганида | 1 |
| Ғўза | Ажриқ, гумай, камиш | 0,8-1,0 | | |

# ENTUS

## Гербицид

**(Римсульфирон 25 %)**




***Маккажўхори ва помидор экилган майдонларда бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли, айрим кенг баргли бегона ўтларга қарши қўлланадиган гербицид!***

## Таъсир этиш хусусияти:

*Ушбу препарат маккажўхори, помидор экинларида бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтлардан ва баъзи бир йиллик кенг япроқли бегона ўтларга қарши юқори самарали гербицид. Бегона ўтлардан қорасули, тулки қуйруқ, қоракурмак, итқуноқ, бешбармоқ, мастак турлари, уруғдан униб чиққан ғумай, кенг баргли бегона ўтлардан эса дағал каноп, эшак шўра, жағ-жағ, чақамиқ, мойчечак ялпиз, лолағизғалдоқ, ёввойи туруп, Аччиқ ўт, юлдузўтга юқори даражада назорат қилади. Нам ва иссиқ хароратда яхши самара беради.*

## Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Бегона ўтлар | Сарф-меъёр (г/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Экиннинг ўсув даври | Бегона ўтларнинг ўсув даври |
| Маккажўхори | Бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли ва баъзи бир йиллик кенг баргли бегона ўтлар | 50-60+СФМ энто 90 ёки силвер 200мл | Маккажўхори 3-5 барг чиқарганда | Бегона ўтларнинг бўйи 10-15 см бўлганда пуркалади |
| Помидор | Бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли ва баъзи бир йиллик кенг баргли бегона ўтлар | 40-50+СФМ энто 90 ёки силвер 200мл | Помидор 3-5 барг чиқарганда | Бегона ўтларнинг бўйи 10-15 см бўлганда пуркалади |




# GERBIS PRO

## Гербицид

***(Форамсульфурон 30%
йодосульфурон-метил натрий 1%
антидот изоксадифен этил 30%)***

***Маккажўхори экинларида бир ва кўп йиллик бошоқли ҳамда икки паллали бегона ўтларга қарши кенг спектрли гербицид!***

## Таъсир этиш хусусияти:

*Ушбу препарат маккажўхори экинларидаги бир ва кўп йиллик бошоқли ҳамда икки паллали бегона ўтларни йўқ қилишда самарали гербицид бўлиб, барг ва қисман илдиз тизими орқали тез сўрилади, бутун ўсимлик бўйлаб озуқа оқимларининг пасайиши ва кўтарилиши баробарида ҳаракат қилади. Препарат таркибидаги моддалар ўсиш нуқталарида ва шу жумладан куртакларда тўпланади. Бегона ўтларнинг ўсиши гербицид қўллангандан сўнг дарҳол тўхтайди (1-2 соат). 4-10 кундан кейин барглар сарғаяди, қизил доғлар пайдо бўлади, улар прогрессив қора доғларга айланади ва бегона ўтларнинг тўлиқ қуриб нобуд бўлиши 10-20 кун оралиғида кузатилади. Гербицид таъсири тезлиги бегона ўтларнинг турига ва ҳаво ҳарорати шароитига боғлиқ.*

## Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Бегона ўтлар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | Мавсумда неча маротаба қўлланиши |
|---|---|---|---|---|
| Маккажўхори | Бир ва кўп йиллик бошоқли ва икки паллали бегона ўтлар | 0,125-0,15 + 1 л Био Пауэр | Экиннинг 3-5 баргли фазасида пуркалади | 1 |

# KORNET Ekstra

## *Гербицид*

***(Мезотрион 37,5 г/л***
***Никосульфурон 15 г/л)***




***Маккажўхоридаги бир йиллик ва айрим кўп йиллик паллали ва бошоқли бегона ўтларга қарши самарали гербицид!***

## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ушбу гербицид маккажўхори экинларидаги бир ва кўп йиллик бошоқли ва икки паллали бегона ўтларга қарши курашда ишлатиладиган самарали гербицид. Препарат қўллангандан бир икки кун ўтиб бегона ўтлар ўсиш ва ривожланишдан тўхтайди. Шу билан бирга бегона ўларнинг япроғидан сўрилиб, то илдизгача қуришига олиб келади.*

## Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Бегона ўт тури | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | Мавсумда неча маротаба қўлланилиши |
|---|---|---|---|---|
| Маккажўхори | Бир йиллик ва айрим кўп йиллик икки паллали ҳамда бошоқли бегона ўтлар | 3,0-4,0 | Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади | 1 |

# OKSIGOL




## *Гербицид*

***(Оксифлуорфен 24 %)***

***Кенг баргли бегона ўтларга қарши қўлланиладиган гербицид!***

## Таъсир этиш хусусияти:

*Пиёз ва саримсоқпиёз экилган майдонларда бир йиллик кенг баргли бегона ўтларнинг бошланғич ўсув даврида қўлланиладиган селектив гербицид. Жағ-жағ, Сассиқпоя, Қуртэна, Салатўт, Чумчуқтили, Мойчечак, Ёввойи турп, Аччиқўт, Юлдузўт, Тиласпи, Олабўта, Қизилтасма, Бангидевона, Исмалоқ ва бошқа бегона ўтларни йўқотишда юқори самара беради.*

## Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Бегона ўтлар | Сарф меъёр (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Экиннинг ўсув даври | Бегона ўтларнинг ўсув даври |
| Пиёз | Бир йиллик икки паллали бегона ўтлар | 0,5-1,0 | Пиёз 2-4 барг чиқарганда пуркалади | Униб чиққандан сўнг. Бегона ўтлар ривожланишининг бошланғич даврида қўлланилса, яхши самара беради |

# FASTER

## *Гербицид*

***(Квинклорак 25 %)***

***Курмакни йўқотишда қўлланиладиган гербицид!***




## Таъсир этиш хусусияти:

*Препарат шолининг фаол ўсув даврида бир йиллик бошоқли (тариқсимон) бегона ўтларга қарши курашда қўлланилади.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Бегона ўтлар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Экиннинг ўсув даври | Бегона ўтларнинг ўсув даври |
| Шоли | Бир йиллик бошоқли (тариқсимон) бегона ўтлар | 2,0-3,0 | Шоли униб чиққандан сўнг 2-3 барглик даврида | Бегона ўтларнинг фаол ўсув даврида, яъни 3-4 барг ёки уларнинг бўйи 5-10 см бўлганида |

# FASTER ALFA

## *Гербицид*

***(Квинклорак 47% + пиразосульфурон-этил 3%)***




### Таъсир этиш хусусияти:

*Ушбу препарат шоли экилган майдонлардаги бир йиллик бошоқли (тариқсимон) ва ҳилол бегона ўтларига қарши тизимли таъсир этувчи восита. Препаратни шолини униб чиқиши ва туплаш даврида, бегона ўтларнинг эса илк ривожланиш фазасида қўлланса, юқори самарадорликга эришилади. Препаратни албатта сирти фаол модда билан қўшиб қўллаш лозим.*

### Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Бегона ўтлар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | |
|---|---|---|---|---|
| Шоли | Бир йиллик бошокли (тариқсимон) бегона ўтлар | 0,8-1,0 + сирт фаол модда | Шоли униб чиққандан сўнг 2-3 барглик даврида | Бегона ўтларнинг фаол ўсув даврида, яъни 3-4 барг ёки уларнинг бўйи 5-10 см бўлганида |

# BENTOGRAN

## Гербицид

**(Бентозан 48%)**

***Сув ҳилолга қарши самарали гербицид!***




## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ғалла, маккажўхори, беда ва шолининг фаол ўсув даврида бир йиллик кенг баргли ва кўп йиллик бошоқли (сув хилол) бегона ўтларни йўқотишда қўлланилади.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Бегона ўтлар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Экиннинг ўсув даври | Бегона ўтларнинг ўсув даври |
| Шоли | Бир йиллик икки паллали бегона ўтлар, кўп йиллик бошоқли илдиз пояли (сув ҳилол) бегона ўтлар | 2-4 | Шоли униб чиққандан сўнг 2 баргли тупланиш даврида | Бегона ўтларнинг 2-5 барг фаол ўсув даврида, сув сатхи 0-2 см бўлганида |

# LANDASK

## *Гербицид*

***(Бенсулфурон-метил 60%)***

***Шолидаги ҳилол бегона ўтига қарши самарали гербицид!***




### Таъсир этиш хусусияти:

*Шолидаги ҳилолга қарши қўлланиладиган системали (ичидан таъсир этувчи) гербицид. Препарат шолининг туплаш даврида, бегона ўтларнинг илк ривожланиш фазасида қўлланилади. Препаратнингилк самараси қўлланилгандан 5-7 кун ўтиб кўрина бошлайди, бегона ўтларнинг тўлиқ нобуд бўлиши 10-15 кунда кузатилади.*

### Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Сарф-меъёри (г/га) | Бегона ўт тури | Қўллаш муддати ва усули |
|---|---|---|---|
| Шоли | 80-100 | Ҳилол | Ўсимликнинг туплаш даврида пуркалади |

# SURIS

## *Гербицид*

***(Пиразосулфурон-этил 10%)***

***Ҳилол бегона ўтига қарши самарали гербицид!***




## Таъсир этиш хусусияти:

*Шолидаги ҳилолга қарши қўлланиладиган системали (ичидан таъсир этувчи) гербицид бўлиб, шолининг туплаш даврида, бегона ўтларнинг илк ривожланиш фазасида қўлланилади. Препаратнинг илк самараси қўлланилгандан 5-7 кун ўтиб кўрина бошлайди, бегона ўтларнинг тўлиқ нобуд бўлиши 10-15 кунда кузатилади.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Сарф-меъёри (кг/га) | Бегона ўт тури | Қўллаш муддати ва усули |
|---|---|---|---|
| Шоли | 0,2-0,3 | Ҳилол | Препарат шолининг туплаш даврида (4-6 барг чиқарганда), бегона ўтларнинг илк ривожланиш фазасида (5-7 барг бўлганида) пуркалади |

# YOKOZUNA

## Гербицид

**(Бензобициклон 50 %)**

**Шолидаги бир ва кўп йиллик бошоқли ҳамда кенг баргли бегона ўтларга қарши қўлланиладиган гербицид!**




## Таъсир этиш хусусияти:

*Ушбу препарат шолидаги бир ва кўп йиллик бошоқли ҳамда айрим кенг баргли бегона ўтларга қарши ишлатилади. Препаратни шоли экишдан аввал ёки ниҳол униб чиқмасидан олдин қўллаш лозим. Гербицид қўлланганда даврда экин майдон 10-12 см сув билан қопланиб, камида 5 кун мунтазам сувни ушлаб туриш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга ушбу майдонда бошқа агротехник тадбирларни тўхтатиб туриш лозим. Препаратни қўл аппарати орқали қўлланганда препарат қамраб олган майдон чегараси оралиғи 20-30 метрдан ошмаслигига эътибор бериш керак.*

## Сарф меъёрлари ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Бегона ўтлар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | Мавсумда неча маротаба қўлланилиши |
|---|---|---|---|---|
| Шоли | Ҳилол, курмак ва бошқа бошоқли ҳамда айрим кенг баргли бегона ўтлар | 0,5-0,6 | Экишдан аввал ёки униб чиқмасдан олдин | 1 |

# DALATE




## *Инсектоакарицид*

***(Лямбдацигалотрин 5%)***

***Сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларга қарши самарали восита!***

## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Барча ўсимликларда сўрувчи ва кемирувчи зараркунандалар ҳамда каналарга қарши инсектоакарицид. Зарарли хасва, ширалар, трипс, ўргимчаккана, оққанот, баргўрар қуртлар, каналар,дон қўнғизлари, чигирткалар, тут парвонаси, шиллиққурт, визилдоқ қўнғиз, фитономус, қовун пашшаси, узумбаргўрар қуртлари, мевахурлар, олма қурти ва бошқа зараркунандаларни йўқотишда қўлланилади.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

Сўрувчи ва кемирувчи зараркунандалар ҳамда каналарга қарши зараркунанданинг турига қараб гектарига 0,15-0,5 литр ҳисобида ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади.

# DALATE Plyus

## *Инсектоакарицид*

***(Лямбдацигалотрин 10%)***

***Сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларга қарши самарали восита!***




### Таъсир этиш ҳусусияти:

*Сўрувчи ва кемирувчи ҳашаротлар ҳамда каналарга қарши инсектоакарицид. Ширалар, трипс, ўргимчаккана, оққанот, баргўрар қуртлар, каналар, дон қўнғизлари, зарарли хасва, чигирткалар, тут парвонаси, шиллиққурт, визилдоқ қўнғиз, фитономус, қовун пашшаси, узум баргўрар қуртлари, мева-хўрлар, олма қурти ва бошқа зараркунандаларга қарши қўлланилади.*

### Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф-меъёр (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари |
|---|---|---|---|
| Ғалла | Дон қўнғизлари, трипс, зарарли хасва, шира ва шилиққурт (пявица) | 0,07-0,15 | Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади |
| Мевали боғлар | Шира, трипс, қалқондорлар | 0,2-0,4 | |

# EKVADOR




## *Инсектицид*

***(Имидаклоприд 35%)***

***Шира, трипс ва бошқа зараркунандаларга қарши тизимли таъсир этувчи восита!***

## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ушбу препарат шира, трипс, қандалалар, хасва, тут парвонаси, визилдок қўнғиз, ғовакловчи пашша, қалқондорлар, мевахўрлар, баргурар қуртлар, чигирткасимонлар ва бошқа зараркунандаларга қарши қўлланиладиган тизимли таъсир этувчи восита ҳисобланади. Препаратнинг ҳимоя таъсири даври об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, 10-14 кунни ташкил этади.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати ва усули | Мавсумда неча маротаба қўлланилиши |
|---|---|---|---|---|
| Ғўза | Шира, трипс, қандалалар | 0,2 | Ўсимликнинг ўсув даврида | 2 |
| Ғалла | Шира, трипс, хасва, визилдоқ қўнғиз | 0,15-0,2 | | |
| Боғ сабзавот | Шира, трипс | 0,2 | | |

# RIMIDA

## *Инсектицид*

***(Имидаклоприд 70%)***




***Зараркунандаларга қарши уруглик чигитни дорилашда қўлланиладиган юқори самарали ичдан таъсир этувчи инсектицид!***

### Таъсир этиш ҳусусияти:

*Зараркунандаларга юқори самарали текканда ва ичдан зараркунанда озиқланиши натижасида меъда-ичак орқали таъсир этувчи инсектициддир. Шира, трипс, узунтумшуқ ва оққанотга қарши уруғлик чигитни дорилашда юқори самарали инсектицид. Зараркунандаларнинг марказий нерв тизимини фалаж қилиб, озиқланишдан қолдиради ва ўлим ҳолатига олиб келади. Узоқ муддат давомида ўз таъсир кучини сақлаб қолади.*

### Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф-меъёр (кг/га) | Қўллаш муддати ва усуллари |
|---|---|---|---|
| Ғўза | Шира, трипс, узунтумшуқ, оққанот | 4-5 кг/1 тонна чигит | Уруғлик препарат эритмасида дориланади (1 тонна уруққа 15-25 литр сув |
| Ғўза | Шира, трипс қандала | 0,1 | Ўсимликнинг ўсув даврида |
| Ғалла | Шира трипс | | |
| Боғ сабзавот | Шира трипс | | |

# ENTOSPILAN

## *Инсектицид*

***(Ацетамиприд 20%)***

***Зараркунанда ҳашаротларга қарши самарали восита!***




### Таъсир этиш хусусияти:

*Ушбу препарат ғўза ва бошқа экинлардаги шира, трипс, колорадо қўнғизи, тут парвонаси ва бошқа зараркунандаларга қарши курашда қўлланилади.*

### Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф меъёри (кг/га) | Қўллаш муддати ва усуллари |
|---|---|---|---|
| Ғўза | Шира, трипс **кандала** | 0,15-0,3 | Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади |
| Тут | Тут парвонаси | 0,15-0,3 | |
| Боғ ва узумзорлар | Шира, трипс | 0,15-0,3 | |
| Ғалла | Шира, трипс | 0,2-0,3 | |

# AGROFOS-D

## *Инсектоакарицид*




***(ципермeтрин 5% +
хлорпирифос 50%)***

***Зараркунандаларга қарши
самарали восита!***

### Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ушбу препарат олма қурти, цикадалар, шира, трипс, зарарли хасва, шиллиққурт, олма қурти, баргўрар қуртлар, ўргимчаккана, ғовакловчи пашша, намат канаси, куялар, тут парвонаси ва бошқа бир қатор зараркунандаларни йўқотишда юқори самарали инсектоакарицид.*

### Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

Зараркунандалар ва экиннинг турига қараб гектарига 0,5-1,5 литр ҳисобида ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади.

# AGROFOS EKSTRA

## *Инсектоакарицид*

***(ципераметрин 10%
хлорпирифос 50%)***

***Зараркунандаларга қарши самарали восита!***




## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ушбу препарат цикадалар, шира, трипс, зарарли хасва, шиллиққурт, олма қурти, баргўрар қуртлар, ўргимчаккана, ғовакловчи пашша, намат канаси, куялар, тут парвонаси, ва бошқа бир қатор зараркунандаларга қарши юқори самарали инсектоакарицид.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати |
|---|---|---|---|
| Ғўза | Шира, ўргимчаккана, трипс | 0,5-0,8 | Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади |
| Буғдой | Шира, трипс, зарарли хасва | 0,2-0,5 | |
| Боғ ва узумзор | Ўргимчаккана, қалқондор, олма мевахўри | | |

# MERGAN

## *Инсектицид*

***(Дифлубензурон 6%)***

***Чигирткасимонларга қарши самарали восита!***




## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ушбу препарат қўлланган майдонларда зараркунандаларнинг озиқланишига тўсқинлик қилади ва ривожланишини тўхтатади. Шу билан бирга зараркунандаларнинг ўсимликларга қўйган тухумларига зарарли таъсир қилади. Препарат таъсир қилган тухумлардан личинкалар чиқмайди. Препаратнинг эътиборли жихати фойдали ҳашаротлар, йиртқич каналар ва асалариларга салбий таъсир кўрсатмайди. Препаратнинг илк самараси қўллангандан кейин 3-5 кунда, максимал нобуд бўлиши 10-12 кунни ташкил қилади.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф меъёр (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | Мавсумда неча маротаба қўлланилиши |
|---|---|---|---|---|
| Яйлов экинлари | Чигирткасимонлар | 0,25 | Ҳашарот тарқалган майдонларга ёппасига ёки тўсик усулида пуркалади | 1 |

# ENTOMIN




## *Инсектоакарицид*

***(Нефт мойлари 80%)***

***Зараркунандаларга қарши кенг спектрли восита!***

## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ушбу препарат кенг кўламда қўлланилганда зараркунандаларга таъсир этиш хусусияти энг самарали инсектоакарицидлардан бири ҳисобланиб, мевали боғлардаги қишловчи зараркунандалар ва уларнинг кейинги авлодларига қарши самарали таъсир қилади. Препарат таркибидаги парафин мойи қўлланган ўсимлик юзаси бўйлаб тенг ёйилади ва зараркунанданинг нафас йўлларига киради ҳамда нафас йўлини беркитади. Препарат мевали боғ, токзор ҳамда манзарали дарахтларда учрайдиган қалқондорлар, сохта қалқондорлар, нок ширинчаси, комсток қурти, қон бити ва шунга ўхшаш зирхли зараркунандаларга қарши қўлланилганда тухуми ёки танасидаги моддалар ва ҳаво алмашинувини тўхтатиб, мустахкам қобиқ хосил қилади. Шу тариқа зараркунандалар бўғилиб, нобуд бўлишига олиб келади.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати ва усули | Мавсумда неча маротаба |
|---|---|---|---|---|
| Олма, нок, манзарали экинлар | Қалқондорлар, нок ширинчаси, комсток қурти, қон бити | 10,0-15,0 | Тиним даврида пуркаш орқали | 1 |

# DEMOFOS




## *Инсектоакарицид*

***(Диметоат 40%)***

***Зараркунандаларга қарши самарали восита!***

## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Таъсир доираси зараркунандалар учун жуда кенг: экинлардаги ширалар, каналар, мевахўрлар, баргхўр қуртлар, қўнғизлар, ширинчалар, баргўрар қуртлар, куялар, қалқондорлар, сохта қалқондорлар, хасва, шиллиққурт унсимон қуртлар, баргўрар қуртлар, ғалла пашшалари, трипслар, оққанот, ғовакловчи пашша, ғовакловчи куя ва бошқа бир неча турли зараркунандаларни йўқотишда самарали восита.*

*Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:*

*Зараркунандалар ва экиннинг турига қараб гектарига 0,5-2,5 литр ҳисобида ўсимликнинг ўсув даврида мавсумда 1-2 маротаба қўлланилади.*

# ENTOMETRIN




## *Инсектицид*

***(Циперметрин 25%)***

***Зараркунанда ҳашаротларга қарши самарали восита!***

### Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ушбу препаратнинг таъсир қилиш доираси ҳашаротлар учун жуда кенг. Зараркунандалардан шира, трипс,оққанот, илдизқирқар тунламлар, қандалалартут парвонаси, шиллиққурт, хасва, баргўрар қуртлар, мевахўрлар, фитономус, оқ-капалак, куя,чигирткасимон ва бошқа зарар-кунандаларни йўқотишда қўлланилади.*

### Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

*Зараркунандалар ва экиннинг турига қараб гектарига 0,15-0,35 литр ҳисобида ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади.*

# DELTASIS




## *Инсектицид*

***(Дельтаметрин 2,5%)***

***Колорадо қўнғизи ва бошқа зараркунанда ҳашаротларга қарши самарали восита!***

## Таъсир этиш хусусияти:

*Экинлардаги пашшалар, қўнғизлар, шира, трипс, тунламлар, оққанот, қандалалар, тут парвонаси, макка парвонаси, шиллиққурт, хасва, баргўрар қуртлар,мевахўрлар, фитономус, оқ капалак, куя, чигирткасимонлар ва бошқа зараркунандаларни йўқотишда юқори самарали инсектицид.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф меъёри (л/га) |
|---|---|---|
| Картошка | Колорадо қўнғизи | 0,1-0,15 |
| Олма | Шира, барг ўрар қуртлар, олма қурти | 0,5-1,0 |
| Помидор | Ширалар, трипс, тунламлар | 0,25-0,5 |
| Ғўза | Илдиз қурти | 0,25-0,5 |

# ENTOMEKTIN




## *Инсектоакарицид*

***(Абамектин 1,8%)***

***Шира, трипс ва ўргимчакканага қарши қўлланиладиган восита!***

## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Каналар ва барг ғовакловчи зараркунандаларга қарши системали таъсир этувчи юқори самарали инсекто - акарицид. Ғўза ва бошқа экинлардаги ўргимчаккана, шира, трипс қарши қўлланилади.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати |
|---|---|---|---|
| Ғўза | Ўргимчаккана | 0,3 - 0,5 | Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади |
| | Шира, трипс | | |
| Мевали боғлар | Ўргимчаккана, шира, трипс | 0,3-0,5 | |

# ENTOMEKTIN Ekstra




## *Инсектоакарицид*

***(Абамектин 3,6%)***

***Шира, трипс ва ўргимчакканага қарши қўлланиладиган восита!***

## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ушбу препарат каналар ва барг ғовакловчи зараркунандаларга қарши тизимли таъсир этувчи юқори самарали инсектоакарицид. Ўсимликка максимал тезликда сўрилади ва зараркунандаларни қийин кириб борадиган мухитда ҳам нобуд қилади. Қўлланган махсулотнинг таркибида тўпланиб қолмайди. Ғўза, боғ-ток ва сабзавот-полиз экинларидаги ўргимчаккана, шира, трипс, кўсак куртининг майда ёшдагисига қарши қўлланилади. Аксарият пестицидлар билан мослашади ва препартнинг ишлаш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати |
|---|---|---|---|
| Ғўза | Шира, трипс, ўргимчаккана | 0,2 - 0,3 | Ўсимликнинг ўсув даврида |
| Сабзавот полиз | Шира, трипс, каналар | 0,15 | |

# ENTOSORAN

## *Акарицид*

**(Гекситиазокс 10%)**

***Ўргамчакканага қарши самарали восита!***




### Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ушбу препарат каналарга қарши самарали акарицид. Каналарнинг тухум, личинка ва нимфаларини йўқ қилади, катта ёшдаги каналарнинг эса кўпайиш қобилиятини йўқотади. Узоқ муддат ўз таъсир кучини сақлаб қолади (50 кунгача).*

### Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф меъёри (кг/га) | Қўллаш муддати ва усуллари |
|---|---|---|---|
| Ғўза | Ўргамчаккана | 0,2-0,3 | Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади |
| Олма, гилос боғлар | Каналар | 0,3 | |

# SPIROMEKTIN




## *Акарицид*

***(Спиродиклофен 22,2% абамектин 1,8%)***

***Ўсимликхўр каналарга қарши самарали восита!***

## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ушбу препарат ғўза, олма ва бошқа экинлардаги ўсимликхўр каналарнинг барча ривожланиш босқичларига (тухум, личинка ва етук-имаго) қарши самарали таъсир этувчи акарицид.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари |
|---|---|---|---|
| Ғўза | Ўргамчаккана | 0,25 | Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади |
| Олма, гилос | Каналарга | | |

# AKARAGOLD

## *Акарицид*

***(Пропоргит 66%
гекситиозокс 6%)***

***Ўсимликхўр каналарга қарши самарали восита!***




## Таъсир этиш хусусияти:

*Ушбу препарат каналарга қарши юқори самарали препарат сифатида эътироф этилган, боғларда ва дала экинларида барча ҳаракатчан фазаларидаги каналарга (личинка, нимфа ва етук зот)га қарши юқори самарали.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари |
|---|---|---|---|
| Ғўза | Ўргамчаккана | 0,3-0,5 | Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади |
| Боғ ва узумзорлар | | | |

# ENTOMAYT

## *Акарицид*

***(Пропаргит 57%)***

***Сўрувчи зараркунандаларга қарши самарали акарицид!***




### Таъсир этиш ҳусусияти:

Ғўзани зараркунандалардан уйғунлашган усулда ҳимоя қилиш дастурига киритилган акарицид. Боғларда ва дала экинларида каналарнинг барча ҳаракатчан фазалари (личинка, нимфа ва етук зот)га қарши юқори самарали.

### Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | Мавсумда неча маротаба қўлланиши |
|---|---|---|---|---|
| Ғўза | Ўргамчаккана | 1,5 | Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади | 2 |
| Боғ ва узумзорлар | | | | |

# ENTOVANT




## *Инсектицид*

***(Индоксакарб 15%)***

***Кўсак куртига қарши самарали восита!***

## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ушбу препарат ғўза тунлами (кўсак курти), тут парвардаси, шингил баргўрари ва олма мевахўрига қарши самарали инсектицид.*
*Бир вақтнинг ўзида зараркунанда капалакларининг тухумлари ва уларнинг куртлари билан бир хил курашади. Қуртларнинг ҳамма турдаги ёшларига таъсир қилади.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

*Зараркунандалар ва экиннинг турига қараб гектарига 0,5-0,6 литр ҳисобида ўсимликнинг ўсув даврида қўлланилади.*

# PROMAYT

## *Акарицид*

***(Пиридабен 20%)***

***Ғўзадаги ўргимчакканага қарши самарали восита!***




### Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ушбу препарат ўргимчакканaнинг барча ривожланиш босқичларида самарали таъсир қиладиган текканда таъсир этувчи акарицид. Препарат экинларга қўлланганда тез ва узоқ муддатли таъсирга эга бўлиб, мевали боғларда иқлим шароитига қараб, мавсум давомида атиги 1 марта қўлланилади.*

### Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф меъёри (кг/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | Ҳосил йиғимига қанча қолганда ишлов тўхтатилади (кун) | Мавсумда неча маротаба қўлланилиши |
|---|---|---|---|---|---|
| Ғўза | Ўргамчаккана | 1,0-1,5 | Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади | 30 | 2 |

# EZOTOKS

## *Акарицид*

***(Этоксазол 10%)***

***Каналарга қарши қўлланиладиган самарали акарицид!***




## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ушбу препарат қишлоқ хўжалиги экинларига зарар келтирадиган каналарга қарши самарали акарицид. Каналарнинг личинка ҳамда нимфаларини йуқ қилади. Етук ёшдаги каналарни эса кўпайиш қобилиятини пасайтириб, нобуд бўлишига олиб келади. Препарат узоқ муддат ўз таъсир кучини сақлаб қолади.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | Мавсумда неча маротаба қўлланилиши |
|---|---|---|---|---|
| Ғўза | Ўргамчаккана | 0,3-0,4 | Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади | 2 |
| **Бошқа экинлар** | **Каналар** | 0,3-0,4 | Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади | 2 |

# INDOKSAMEKTIN




## *Инсектоакарицид*

***(Индоксакарб 7,5%
Абамектин 1,8%)***

***Тута абсолюта ва бошқа зараркунандаларга қўлланиладиган самарали восита!***

## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ғўзадаги кўсак қурти, олмадаги олма қурти ва очиқ қамда ёпиқ майдонларда тарқалган Тута абсолюта зараркунандаларини йўқ қилишда юқори самара берадиган препаратдир.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати |
|---|---|---|---|
| Ғўза | Ғўза тунлами (кўсак курти) | 0,45-0,7 | Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади |
| Олма | Олма қурти, ғилофли куя | | |
| Ток | Барг ўровчи қуртлар | | |
| Помидор | Помидор куяси (тутаабслюта) | | |

# EVISECT




## *Инсектицид*

***(Тиаметоксам 35 %)***

***Помидор куяси (Тутаабсолюта) ва оққанотга қарши текканда таъсир этувчи восита!***

## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ушбу препарат трипс, оққанот ва куяларга қарши қўлланилганида текканда таъсир этувчи хусусиятига эга самарали восита. Препарат қўлланганда тавсия этилган зараркунандага нисбатан қисқа муддатда таъсир қилади. Препаратнинг эътиборли жихати шундаки, такрор қўлланганда ҳам зараркунандаларда препаратга нисбатан мослашувчанглик хосил қилмайди ва самарали таъсир қилади.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

<table>
<tr><th>Экин тури</th><th>Зараркунандалар</th><th>Сарф меъёри (кг/га)</th><th>Қўллаш муддати ва усуллари</th><th>Ҳосил йиғимига қанча қолганда ишлов тўхтатилади (кун)</th><th>Мавсумда неча маротаба қўлланилиши</th></tr>
<tr><td>Пиёз</td><td>Трипс, оққанот</td><td rowspan="2">0,45-0,6</td><td rowspan="2">Ўсимликнинг ўсув даврида</td><td rowspan="2">30</td><td rowspan="2">2-3</td></tr>
<tr><td>Помидор</td><td>Помидор куяси (тутаабсолюта), оққанот</td></tr>
</table>

# PROTEKT

## *Инсектицид*

**(Эмамектинбензоат 5%)**

***Кўсак қуртига қарши самарали восита!***




### Таъсир этиш ҳусусияти:

*Гўза, помидор, боғ, ток ва сабзавот экинларига зарар келтирувчи кемирувчи қуртларга, жумладан, ғўза тунлами, олма қурти, ғилофли куя каби зараркунандаларга қарши юқори самарали инсектицид. Юқори ҳароратларда ҳам самарасини пасайтирмайди ва 15 кунгача таъсир кучини сақлаб қолади.*

### Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф меъёри (кг/га) | Қўллаш муддати ва усуллари |
|---|---|---|---|
| Ғўза | Ғўза тунлами | 0,5 | Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади |
| Олма | Олма қурти, ғилофли куя | 0,45-0,5 | |
| Сабзавот экинлари | Карам қурти | 0,5 | |

# PROTEKT PRO

## *Инсектицид*

***(Эмамектин бензоат 5%
индоксакарб 10%)***

***Кемирувчи зараркунандаларга қарши қўлланиладиган самарали инсектицид!***




## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ғўза, тут, ток, олма, иссиқхона ва сабзавот экинларидаги сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларга қарши текканда ва ичдан таъсир этувчи юқори самарали инсектицид. Бошқа препаратларга чидамли бўлган зараркунандаларга, айниқса, кўсак қуртига қарши курашда самарали қўлланилади. Препарат таркиби икки хил таъсир этувчи моддадан иборат эканлиги препарат самарадорлиги юқори бўлишини таъминлаб беради. Зараркунандаларнинг барча ривожланиш босқичларида ҳам самарали таъсир қилади.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Сарфлаш меъёри (л/га) | Зараркунандалар тури | Қўллаш муддати ва усули |
|---|---|---|---|
| Ғўза | 0,4-0,5 | Ғўза тунлами | Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади |
| **Боғ ва узумзорлар** | 0,3-0,45 | Олма қурти, комсток қурти, шарқ мевахўри | |

# ENTOVANT PRO




## *Инсектицид*

***(Индоксакарб 30%)***

***Кўсак қуртига қарши самарали восита!***

## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ушбу препарат ғўза тунлами (кўсак қурти), тут парвонаси, шингил барг ўрарлари ва олма мевахўрига қарши самарали инсектицид бўлиб, бир вақтни ўзида зараркунанда капалакларининг тухумлари ва уларнинг қуртлари билан бир хил курашади. Кемирувчи қуртларнинг ҳамма ёшдагиларига таъсир қилади. Препарат зараркунанданинг тури, атроф-муҳит шарт-шароитлари ва сарф меъёрларига боғлиқ холда 14 кунгача таъсир кучини сақлаб қолади.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандала р | Сарф меъёри (кг/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | Мавсум давомида неча маротаба қўлланиши |
|---|---|---|---|---|
| Ғўза | **Кузги тунлам (илдиз қурти)** | 0,2-0,25 | Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади | 2**-3** |
| Очиқ ва ёпиқ грунтдаги помидор | Ғўза тунлами, помидор куяси | | | |
| Боғ | Шарқ мевахўри, олма мевахўри | 0,25 | | |

# ENTOLUCHO




## *Инсектицид*

***(Имидаклоприд 20%)***

***Шира, трипс ва бошқа ҳашаротларга қарши самарали восита!***

**Таъсир этиш хусусияти:**

*Колорадо қўнғизи, шира, трипс, қандалалар, тут парвонаси, визилдоқ қўнғиз, ғовакловчи пашша, қалқондорлар, мевахўрлар, баргўрар қуртлар, тунламлар, чигирткасимонлар, симқуртлар ва бошқа зараркунандаларга қарши қўлланиладиган системали инсектицид.*

*Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:*

*Зараркунандалар ва экиннинг турига қараб гектарига 0,15-0,3 литр ҳисобида ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади.*

# ENTOVET

## *Инсектицид*

***(Тиаклоприд 24%)***

***Каналар ва зараркунандаларга қарши қўлланиладиган юқори самарали инсектоакарицид!***




## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ушбу препарат олма, узум ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидаги сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларга қарши қўлланиладиган инсектицид. Зараркунандалар сиртдан ва ичдан (ўсимлик танасига шимилиб сингиши натижасида системали) таъсир этиш хусусиятига эга.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | Мавсумда нечи маротаба қўлланиши |
|---|---|---|---|---|
| Олма | Олма мевахўри, баргўрар қуртлар, қалқондорлар, олма гулхўри | 0,3 - 0,4 | Ўсимликнинг ўсув даврида пуркалади | 2 |
| Узум | Шингил баргўрари | 0,2 - 0,4 | | |

# EZOFOKS




## *Инсектицид*

***(Ацефат 75%)***

***Ғўзадаги шира ва трипсга қарши ҳам уруғлик чигитни дорилашда, ҳам ўсув даврида қўлланиладиган текканда ва ичдан таъсир этувчи инсектицид!***

## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ушбу препарат зараркунандаларга текканда ва ичдан таъсир этувчи фосфорорганик инсектицид. Препарат очиқ далада ва иссиқхоналарда сабзавот экинлари (картошка, сабзи, помидор ва бошқалар), ғўза ва боғлардаги сўрувчи зараркунандаларга қарши ўсимликларнинг ўсув даврида қўлланилади. Шунингдек, ғўзадаги шира ва трипс каби зараркунандаларга қарши уруғлик чигитни дорилаш орқали курашда ҳам қўлланилади. Ичдан таъсирга эга бўлганлиги сабабли, препарат шира, трипс ва оқ пашаларга қарши курашда самарали қўлланилади.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф меъёр (кг/га) | Қўллаш муддати ва усуллари |
|---|---|---|---|
| Ғўза | Шира, трипс, қандала | 0,75 | Экинларнинг ўсув даврида пуркалади |
| Ғўза | Шира, трипс | 4,0 кг/тонна чигит | Уруғлик препарат эритмасида дориланади (1 тонна уруққа 15-25 литр сув |
| Пиёз | Шира, трипс | 0,7-1,0 | |

# TAKSAM

## *Инсектицид*

***(Тиаметоксам 35 %)***

***Зараркунандаларга қарши текканда ва тизимли таъсир этувчи восита!***




## Таъсир этиш ҳусусияти:

*Ушбу препарат шира, трипс, зарарли хасва, колорадо қунгизи, симқуртлар, оққанот, кўсак қурти, илдиз қурти зараркунандаларига қарши қўлланилганида ўсимлик томонидан трансламинар фаоллик билан сўрилиб, системали ва контакт таъсир қилиш хусусиятига эга самарали восита. Препарат қўлланганда ўсимликка тез фурсатда сингийди ва ҳашаротларнинг асаб тизимига таъсир қилади. Препарат баргдан қўлланилганда зараркунандаларга қарши таъсир давомийлиги 15-20 кун, тупроққа қўлланганда 30-40 кунни ташкил этади.*

## Сарф меъёри ва қўллаш тартиби:

| Экин тури | Зараркунандалар | Сарф меъёри (л/га) | Қўллаш муддати ва усуллари | Ҳосил йиғимига қанча қолганда ишлов тўхтатилади (кун) | Мавсумда неча маротаба қўлланилиши |
